


ISSN 2181-4791

**IMOM BUXORIY XALQARO
ILMIY-TADQIQOT MARKAZI**

**IMAM BUKHARI INTERNATIONAL
SCIENTIFIC RESEARCH CENTER**



**№4
2022**



IMOM BUXORIY SABOQLARI

*Ma'naviy-ma'rifiy, ilmiy-
adabiy jurnal*

*Spiritual and educational,
scientific-literary journal*



2023-YIL –

**INSONGA E'TIBOR VA
SIFATLI TA'LIM YILI**

Ушбу сонда:

Шовосил ЗИЁДОВ. Маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаймиз!.....	3
---	---

АЖДОДЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИ

Абдулҳаким ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ, Нигора ЮСУПОВА. Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор.....	4
Турсинбой СУЛТОНОВ. Имом Бухорий асарларида илм эгаллаш ва комил инсон тушунчаларининг янги талқини.....	5
Lazizbek XAITOV. Hakim Termiziyning “Al-hajju va asroruhu” (Haj va uning sirlari) asarida Haj va uning turlari haqida.....	8
Отабек МАҲМУДОВ. Шарқ алломалари асарларининг Европада таржима қилинган илк санасини қайта белгилаш тўғрисида (лотин тилли манбалар таҳлили асосида).....	10
Мумин Мирзо АБДУПАТТАЕВ. Шаҳристониининг “Мафотиҳ ал-асрор” тафсири ва унда динлар таълимотлари ва ақидаларининг ёритилиши.....	12
Ҳошимжон НИЗОМИДДИНОВ. Анвар шоҳ Кашмирий – фазилатли аллома.....	14
Бобурмирзо БОТИРОВ. “Ҳидоя” асарида инсон ҳуқуқларини ёритилиши.....	16
Расулбек РАҲИМОВ. XVI–XVII асрларда Европа ноширлик уйларида «Ал-қонун фит-тиб» асарининг нашр қилиниши (Жунти ноширлик уйи мисолида).....	18
Самандар ҚҶЧҚОРОВ. Абу Райҳон Берунийнинг маънавий меросида қадриятлари талқини (“Осорул боқия” асари мисолида).....	19
Дилфуза АБДУЛЛАЕВА. Бухорода маданий мерос аъёналарини тиклаган меъмор.....	21

НОДИР МАНБАЛАР

Жамолиддин ЖҶРАЕВ. “Гулшанул асрор”нинг қўлёзма нусхаларига ишланган миниатюралар бадиий манба сифатида.....	23
Азиза АБДУМАННОТОВА. Туризмнинг илмий, тарихий, диний, адабий манбалардаги талқини.....	26

ВАТАНИМИЗ ТАРИХИ

Гулдона ТАНИЕВА. Ўрта Осиё хонликлари халқаро алоқаларида Ҳаж йўлларида оид масалалар.....	28
Абдурасул БОЛТАЕВ. Ўзбекистонда турғунлик йилларида экологик қабоҳат.....	29
Саидакбар МУҲАММАДАМИНОВ. Хонликлар даврида Жўнглarning тузилиши ва таркиби ҳақида.....	32
Gulnoza AXMADJONOVA. Mahmudxo'ja Behbudiyning ma'rifatparvarlik faoliyati.....	34
Хосият МУЛЛАДЖАНОВА. Роль Туркестанского отдела русско-географического общества в истории экотуризма Средней Азии.....	35
Dilmurod MAMARASULOV. Samarqanddagi Mirzo Ulug'bek madrasasi so'nggi talabalarining taqdiri xususida.....	36
Nodirjon XUSHVAQTOV. Xitoy tarixshunosligida Buyuk Ipak yo'li tarixini o'rganilishining qiyosiy tahlili.....	39
Алишер ЯРКУЛОВ. Жаҳонда археология тадқиқотларининг бошланиши.....	42
Анвар УМАРОВ. Туркман халқи турмуш тарзида қадимги диний қарашларнинг айрим кўринишлари.....	44
Зокир ТОҶАЕВ. XIX аср охири XX аср бошларида Туркистондаги илмий ва диний ташкилотлар тарихидан.....	45
Бунёд ЯЛГАШЕВ. Самарқанд бадиий кулолчилик мактаби аъёналари.....	46
Зебинисо АҲМАДОВА. Абдурауф Фитратнинг ислохотчилик қарашлари (“Мунозара” ва “Ҳинд сайёҳи қиссаси” асосида).....	49

ИСЛОМ ВА ҲОЗИРГИ ЗАМОН

Гулчеҳра НАВРҶЗОВА. Бухорои шарифнинг етти пири ҳалол тушунчаси хусусида.....	51
Отабек МУҲАММАДИЕВ. “Лубоб ал-калом” асарининг бугунги кундаги аҳамияти.....	53
Қобилжон ЗОҲИДОВ. Илк араб-мусулмон давлатида шаҳарсозликнинг ривожланиши.....	57
Ҳабибулло САҒДИЕВ. Искреннее отношение к правителю в исламе.....	59
Машхура РАШИДОВА. Ислом маърифат дини.....	61
Shuxrat OTAQULOV. Gender tenglik siyosatiga ijtimoiy va diniy munosabat.....	63
Ҳусниддин МАМАДАЛИЕВ. IX аср ва XIII асрнинг бошларидаги Турон шаҳарсозлигида ҳисба меъёрларининг ўрни.....	65
Аҳмадхон АЛИМОВ. Тафсир илми ва унинг турлари.....	67
Азиза ТҶРАЕВА. Диний бағрикенглик – барқарорлик омили.....	70
Ислом ҚАРШИЕВ. Хожамназар Ҳувайдо маънавий меросида тасаввуфий ғоялар.....	71
Анорабону ХУДОЙБЕРДИЕВА. Ислом таълимотида ижтимоий ҳамкорлик ғоялари.....	73
75. دزورفأسلان بن ييسلطان. الإمام شهاب الدين القليوبي وأثره فيالتراث الإسلامي.....	75
Аҳмед АБДУРАХМАНОВ. Аспекти семейных отношений в Исламе.....	77
Абдулбосит МАМАДАЛИЕВ. Булғорий Бухорий (Хожа Ҳасан) аслида ким эди?.....	79
Ибрагимгаджи ХАЛАТОВ. Закят как способ преодоления бедности в мусульманском общест.....	80

Абдурахим БОЛТАЕВ. Ибн Арабийнинг ҳаёти ва тасаввуф таълимотида тутган ўрни.....	83
Давлатжон МАМАТКУЛОВ. Ўрта асрларда мафкуравий жараёнлар: муътазиллийлик, мутакаллимлик ва тасаввуф.....	85

ИЖТИМОЙ ИНСТИТУТ

Xurshida YUNUSOVA, Fotima JUMANAZAROVA. O'zbekistonda xotin-qizlar bandligini ta'minlash: muammo va yechimlar.....	88
Ўқтам ШАКАРОВ. Раҳбар ахлоқий сифатларини шакллантиришнинг назарий ва методологик асослари.....	90
Абдурахмон АБДУХАЛИМОВ. Водий вилоятлари қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масалалари.....	93
Малика ШЕРМАТОВА. Социальные проблемы в исламских государствах и пути их решения.....	95
Шухрат САИДАҲМАДОВ. Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий-маънавий ҳаёти ва инсон шахси камолотида ҳадисларнинг ўрни.....	97

ФАЛСАФИЙ МУШОҲАДАЛАР

Комил ҲАЙДАРОВ. Маънавият ва тарбия соҳаларининг диалектик алоқадорлиги.....	100
Эркин ЗОЙИРОВ. Яъқуби Чархий асарларида онтологик масалалар: қиёсий таҳлил.....	102
Гулчехра ТУЛЕМЕТОВА. Некоторые аспекты влияния господствующей религиозной концепции на выбор метода исследования религии.....	104
Маҳмудали ДЕҲҚОНОВ. Жамият тараққиётида оила ва никоҳ муносабатларининг фикрий асослари.....	106
Ҳурият ХУДАЙБЕРДИЕВА. Ислом динида ватанпарварлик ғоялари ривожланишининг ижтимоий-фалсафий моҳияти.....	108
Пўлат ҚАҲҲОРОВ. Инсон манфаатининг аксеологик хусусиятлари.....	110
Сайёра САИДОВА. Европа мамлакатлари тажрибасида давлат-конфессиявий муносабатларининг қиёсий таҳлили.....	112
Гулнора ХУДОЙБЕРГАНОВА. Исломда аскетик қарашларнинг тизимлашуви ва ривожланишига оид ёндашувлар таҳлили.....	116
Йўлдош ИСОМИДДИНОВ. Абдурауф Фитрат маънавий меросининг ижтимоий фалсафий моҳияти.....	118
Aziz SHADMONOV. Erkinlikning tarixiy- falsafiy asoslari.....	120
Maftuna OCHILOVA. Alisher Navoiyning falsafiy dunyoqarashi shakllanishining ijtimoiy-siyosiy, madaniy-tarixiy omillari.....	122
Абдулло ҒУЛОМОВ. Маҳмуд Ломишийнинг “Тамҳид” асарида субстанция ва акциденция борасидаги қарашлар таҳлили.....	123
Zufarbek BEKCHANOV. Iroda va uning ijtimoiy-falsafiy mohiyati.....	125
Фарида КУЧИМОВА. Проектив тафаккурнинг асосий хусусиятлари ва ривожланиш босқичлари.....	126
Ғайрат АБДИЕВ. Ёшларнинг сиёсий онгини фаоллаштиришда миллий давлатчиликнинг фалсафий масалалари.....	128
Мирзо ИХТИЁРОВ. Тележурналистика соҳасида соғлом рақобат тушунчасининг фалсафий моҳияти.....	130

ЁШЛАР – КЕЛАЖАГИМИЗ

Нигора ЮСУПОВА. Ёшлар орасида радикализмнинг олдини олишда жаҳолатга қарши маърифат билан кураш аҳамияти (Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасига муносабат).....	132
Нодира СУЛТОНОВА. Ота-онанинг меҳр-муҳаббати фарзандлар учун ибратдир.....	133
Фарҳод НАЗАРОВ. Ёшларнинг маънавиятига қаратилган таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш технологиялари.....	135

МАЪНАВИЙ ТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ

Нигора БУРАНОВА. Интернетдан тўғри фойдаланиш давр талаби.....	137
Юнус ХОЛИҚОВ. Миллатлараро бағрикенгликни ривожлантиришда маданиятлараро ахлоқнинг ўрни.....	138
Ёсин ОРТИҚОВ. Ўзбекистон дунганлари маданиятидаги замонавий ўзгаришлар.....	140
Ahrorbek ABDUG'ANIYEV. O'rta Osiyo xalqlarining qadimgi davr boshqaruv va ma'naviy hayotida ayol kishining tutgan o'rnini va ahamiyati.....	142
Шоҳсанам НИЯЗОВА. Эътиқод ва интернетга қарамлик ўртасидаги боғлиқликка оид илмий назариялар.....	143
Asilbek QOLQANATOV, Gulmira BEKTURSINOVA. Madaniyat va san'at sohasida kreativ pedagogikadan foydalanishning ahamiyati.....	145
Ilhom FAYZULLAYEV. O'zbekistonda ijtimoiy-ma'naviy muhit holatini o'rganish va uni takomillashtirish.....	147

БИР ҲАДИС ШАРҲИ

Ота-она сўрамасдан фарзандининг мулкидан “ўғринча” фойдаланишга ҳаққи борми?.....	149
---	-----

ЯНГИ НАШР

Муснади Кеший (1-3 жилдлар).....	150
----------------------------------	-----

ЖАҲОНДА АРХЕОЛОГИЯ ТАДҚИҚОТЛАРИНИНГ БОШЛАНИШИ

АЛИШЕР ЯРКУЛОВ – Маданий мерос агентлиги
Бош археологи – Археология тадқиққларини
мувофиқлаштириш ва археология ашёлари давлат
каталогини юритиш Бошқармаси бошлиғи, PhD

Археология фани гуманитар фанлар орасида энг ёшларидан ҳисобланади. Аслида Европада уйғониш давридан қадимги асори-атиқаларга қизиқиш пайдо бўлган бўлсада, мустамлакачилик даврида уларни турли мамлакатлардан йиғиш ишлари олиб борилди.

XIX аср бошига келиб уларни археология тадқиқотлари йўли билан тўплаш бошланган. Бу даврдан бошлаб археология фани шаклланди. Қуйида дастлабки ва машҳур археология тадқиқотларининг айримларини кўриб ўтамыз.



Афсонавий Помпей шаҳри харобалари энг машҳур археология қазилмаларидан биридир. Шаҳарнинг тўсатдан вулқон остида қолиб кетиши уни қадимги Рим жамиятининг барча жиҳатлари билан бирга ер қаърига кўмиб юборади. Археология тадқиқотлари натижасида очиб ўрганилган шаҳар харобаси бугунги кунда одамлар энг кўп ташриф буюрадиган музейлаштирилган археология объектига айланган.

Помпейдаги қазилма ишлари 1748 йил март ойида бошланган. Бу пайтда испаниялик сув қувурлари инспектори Алсубьерре кишанланган 12 маҳкум билан келган эди. У расман қазилма ишларини бошлашга топшириқ беради. Тез орада маҳкумлар “Помпейликлар шаҳри” деган ёзувни топди. Шундай қилиб, қадимги Помпей шаҳрида мақсадли тадқиқотлар бошланди [6:6].

Қазилмалар кўп йиллар давомида бир қанча тадқиқотчи томонидан амалга оширилди. 1868 йилдан иш олиб борган машҳур археолог Жузеппе Фиорелли биринчи бўлиб қазилмаларга илмий ёндашувни ишлаб чиқди. Ҳозирги кунгача шаҳар харобаларида 30 га яқин кўча ва йўлаклар очилган бўлиб, уларнинг катта қисми тозаланган. Булар қуйидагилар: консуллик, фортуний, театр, савдогар, кўча муълишлари ва бошқалар [6:9].

1723 йилда француз тарихчиси Б.Монтфакон Олимпияда кашф этилиши мумкин бўлган буюқ қадриятлар ҳақида фикр билдирди. 1766 йилда Юнонистон бўйлаб саёҳат қилган англиялик Ричард Чандлер Кронос тоғи яқинидаги улкан маъбад девор ва устунлар капители парчаларини топган. Натижада бу қадимий ёдгорлик ўрнида биринчи топилмалар аниқланган. Атрофдаги қишлоқ аҳолиси қурилиш эҳтиёжи учун тошдан фойдаланиб, бу харобаларни бузиб ташлаган [5].

Француз олими Фавел 1787 йилда биринчи марта Олимпия Зевс ибодатхона харобаларини ўша пайтдагидек тасвирлаган. 1788 йилда Бартелеми Олимпиянинг биринчи режасини нашр этди. 1811 йилда Олимпияни қадимий антикварларнинг билимдони Чарлз Кокерелл текширди. 1813 йилда эса Олимпия харобаларининг янги, батафсил режаси тузилди.

1829 йилда Дюбуа бошчилигида француз экспедицияси бу ерда биринчи қазилма ишларини бошлади. Археологлар Зевс ибодатхонаси харобаларидан Диомед отлари, Герён буқалари, Крит буқаси билан жанг қилаётган Геркулес, Гер-

кулеснинг Неме шерлари ва Стимфалия қушлари устидан қозонган ғалабасига бағишланган рельеф парчалари тасвирланган мрамор плиталар парчаларини топди [5].

Месопотамияда дастлабки археология тадқиқотлари XIX асрнинг ўрталарида бошланган. Тадқиқотчи Ботта Хорсободада осур подшоҳи Саргон саройи харобасини топишга муваффақ бўлган. 1845-1851 йилларда инглиз археолог Лэйярд ўтказган қазилмалар натижасида қадимги Осурия пойтахтлари Калах ва Ниневия харобалари ўрганилади [1: 74]. XIX аср охирида немис олими Кольдевей қазилмалари янги Бобил подшоҳлиги тўғрисида қимматли маълумот берган.

Қадимги Миср ёдгорликларини ўрганиш Франсуа Шампольон томонидан муваффақиятли олиб борилди. Кенг кўламдаги дастлабки тадқиқотлар 1828 йилда ташкил этилган экспедиция томонидан амалга оширилди. У қадимги Миср ёзувини ўқишга муваффақ бўлди [1: 11-13].



XIX аср ўрталарида немис мисршунослари Лепсиус ва Бругшлар Мисрга археология экспедициялари уюштиради. Улар нафақат Мисрни, балки унга қўшни мамлакатларни ҳам текшириб кўрадилар. Натижада улар тўплаган материаллар асосида Германияда Миср музейи очилади.

Кейинчалик француз олимлари Мариэтт ва Гастон Масперо Мисрда археология тадқиқотини давом эттирган.

Инглиз олими Флиндерс Петри Мисрда жуда кўп қазилма ишларини ўтказди. У Фаюм воҳасидаги Ўрта подшоҳлик даври ёдгорликларини, шунингдек, Ўрта ер денгизи бўйидаги юнон манзилгоҳларини топиб ўрганади [2: 162-166].

Кичик Осиёда дастлабки археология тадқиқотлари 1861 йилда Гийом ва Перро томонидан Бўғозқояда ўтказилган. 1872 йилда Гуман ва Пухштейн Каппадокияни ва Шимолий Сурияни текшириб кўришади [2: 376].



1871-1890 йилларда немис археолог Генрих Шлиман ҳозирги Туркия ҳудудидаги Хисорлик тепалигида қазилмалар ўтказишни бошлайди [3:682]. Бу ерда у бутун дунёга машҳур

бўлган Троя қолдиқларини топади. Натижада ҳозирги кунга қадар ўз аҳамиятини йўқотмаган археология соҳасидаги кашфиётлардан бири сифатида баҳолашиб келмоқда. Шу билан бирга турли йилларда Қадимги Юнонистоннинг Микена, Орхоменда ва Тринфда 1874-1885 йилларда тадқиқотлар олиб борган. Натижада қадимги Юнонистон тарихига оид кўплаб маълумотни қўлга киритади.



Қадимги Юнонистоннинг илк цивилизацияси бошланган Крит оролида XIX асрнинг 90 йилларида археолог Артур Эванс томонидан қазилма олиб борилган. У бу ерда қадимги Кносс шаҳридаги Минос саройини қазиб ўрганади [3:425].

1922 йилда ҳинд археолог Ракхалдас Банерджи Синд вилоятидаги Ларкан атрофида буддизм эҳромини қазиб ўрганиш чоғида йирик шаҳар қолдиғини топади. Бу шаҳар қолдиғи Махенджо-Даро деб аталган бўлиб, “ўликтепа” маъносини англатади.

Ўша йили бошқа бир ҳинд археолог Рай Бахадур Даярам Сахни ғарбий Панжобдаги Монтгомери округида Хараппа шаҳри харобаларини топади. Хар иккала тадқиқот ҳам Ҳиндистон археология бошқармаси бош директори Жон Маршалл раҳбарлигида олиб борилади [1:177].

Олимларга Хитойнинг энг қадимий цивилизацияси ёдгорликларини кашф қилишда аънанавий хитой таъбаоти ёрдам берди. Бу жараён 1899 йилда император фанлар Академияси бош котиби Ванг И Жуннинг безгак билан касалланишидан бошланди. Унга шифокорлар ёзиб берган дорилар орасида кукун ҳолида олинishi керак бўлган “аждаҳ суякларини” ҳам бор эди. Олим ҳали кукун ҳолига келтирилмаган “аждаҳ суякларини”да ёзув борлигини пайқаб қолади. “Аждаҳ суякларини” қадимги манзилгоҳлар ва қабристонлардан топилган ҳар



хил суяклар ва тошбақа косачалари эди.

Ванг И Жун бундай “аждаҳ суякларини”ни топишга киришади.

Доришунослар “аждаҳ суякларини”ни қаердан олинганини топишга ҳаракат қилади. Изланишлар уларни Ан Ян шаҳридан уч километр узоқликда жойлашган Сяотун қишлоғига олиб боради. 1928 йилда Хитой фанлар Академиясининг тарих ва филология институти археологлари бу ерда қазилма ишларини бошлади. Қазилма ишлари ўн йил давом этди (1928-1937). Натижада қадимий маданиятнинг ажойиб ёдгорликлари чуқур ўрганилди. Бу Ин пойтахти харобалари – “Буюк Шан шаҳри” эди [5].

Дастлабки археология тадқиқотлари асосан мустамлакачи давлатлар томонидан олиб борилгани учун топилмалар ўша мамлакатларга олиб кетилган ва ҳозирги кунда музейларда сақланмоқда.

Куйида уларнинг айримларидан мисол келтирамиз. Малика Нефертитининг боши Германиянинг Берлин музейида, Рамзес II статуяси Италиянинг Турин музейида, Заннатум стелласи, Сузадан топилган Нарамсиннинг ғалаба стелласи Франциянинг Лувр музейида сақланмоқда [4:387].

Европада маданий бойликларни тўплаш ва улардан фойдаланишнинг олдинроқ бошланган. Шу сабаб бундай ашёлар турли йўллар билан олиб кетилган. Юқорида тилга олинган археология тадқиқотлари соҳада амалга оширилган ишларнинг айримлари холос. Биз уларга кўплаб археология тадқиқотлари орасида шов-шувга сабаб бўлган фан кашфиёти бўлгани ҳамда ҳозирга қадар ўз аҳамиятини йўқотмагани учун эътибор қаратдик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Воробьев-Десятковский В.С., Итс Р.Ф., Липин Л.А., Петровский Н.С. Очерки истории древнего востока. Ленинград, 1956.
2. Авдиев В.И. Қадимги Шарқ тарихи. Тошкент, 1964.
3. Суриков И.Е., Ленская В.С., Соломатина Е.И., Таруашвили Л.И. История и культура древней Греции. Энциклопедический словарь. Москва, 2009.
4. История искусства зарубежных стран. Под редакцией Чубова А.П. I том. Москва, 1961, стр. 387.
5. Андрей Ю.Н. Сто великих археологических открытий. М.: Вече, 2008.
<https://arheologija.ru/nizovskiy-100-velikh-arheologicheskikh-otkryitiy/>
6. Ионина Н.А. «50 великих музеев». М.: «ВЕЧЕ», 2008.

♦ **Аннотация:** Ушбу мақолада археология фанининг вужудга келиши ва ривожланишига катта ҳисса қўшган дастлабки тадқиқотлари ҳақида сўз юритилади. Бундай изланишлар Италия, Греция, Миср, Туркия, Ироқ, Ҳиндистон ва Хитой ҳудудларида олиб борилган бўлиб, натижада қадимги цивилизациялар намуналари топиб ўрганилган. **Таянч сўзлар:** Қадимги Миср, Месопотамия, Кичик Осиё, Хараппа, Помпей, Олимпия, Шан.

♦ **Annotation:** This article discusses the early researches that greatly contributed to the emergence and development of the science of archaeology. Such research was carried out in Italy, Greece, Egypt, Turkey, Iraq, India and China, as a result of which samples of ancient civilizations were found and studied. **Key words:** Ancient Egypt, Mesopotamia, Asia Minor, Harappa, Pompeii, Olympia, Shan.

♦ **Аннотация:** В данной статье рассматриваются ранние исследования, внесшие большой вклад в возникновение и развитие науки археологии. Такие исследования проводились в Италии, Греции, Египте, Турции, Ираке, Индии и Китае, в результате которых были найдены и изучены образцы древних цивилизаций. **Ключевые слова:** Древний Египет, Месопотамия, Малая Азия, Хараппа, Помпей, Олимпия, Шан.